

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЬ ВА ДАРЁ ТРАНСПОРТИ
АГЕНТЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

280 Автовокзаллар ва автостанциялар ҳудудига йўловчилар ва бошқа шахсларни киритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 20 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2372

(2012 йил 30 июндан кучга киради)

Йўловчиларни автомобилда ташиш хавфсизлигини таъминлаш, одамлар ҳаёти ва соғлигини, автовокзал ва автостанцияларнинг технологик комплекси объектларини ноқонуний аралашув ҳаракатларидан муҳофаза қилиш ҳамда йўловчиларнинг автомобиль транспортида хизмат кўрсатиш хавфсизлиги даражасини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги **қарор қилади:**

1. Автовокзаллар ва автостанциялар ҳудудига йўловчилар ва бошқа шахсларни киритиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида дав-

лат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Ички ишлар вазири

Б. МАТЛЮБОВ

Тошкент ш.,
2012 йил 23 апрель,
13-сон

**Ўзбекистон автомобиль ва дарё
транспорти агентлиги бошлиғи**

А. АБДУВАЛИЕВ

Тошкент ш.,
2012 йил 23 апрель,
2-сон

Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон авто-
мобиль ва дарё транспорти агентлигининг
2012 йил 23 апрелдаги 13 ва 2-сон қарорига
ИЛОВА

**Автовокзаллар ва автостанциялар ҳудудига йўловчилар ва
бошқа шахсларни киритиш тартиби тўғрисидаги
ЙЎРИҚНОМА**

Мазкур Йўриқнома автотранспорт воситаларида йўловчилар ташиш хавф-сизлигини таъминлаш, одамларнинг ҳаёти ва соғлиғини ҳамда автовокзаллар ва автостанциялар объектларини ноқонуний хатти-ҳаракатлардан ҳимоя қилиш мақсадида йўловчилар ва бошқа шахсларнинг қўл юкини, бағажини ва ўзини назоратдан ўтказиш тартибини, шунингдек назоратдан ўтказиш ваколатига эга бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

І боб. Умумий қоида

1. Мазкур Йўриқномада қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

автовокзал — йирик шаҳарларнинг халқаро, шаҳарлараро ва шаҳар атрофи йўналишлари бўйича йўловчилар учун хизмат кўрсатишга ҳамда уларга хизмат кўрсатувчи ходимларни жойлаштиришга мўлжалланган зарурий хизмат, маданий-маиший ва санитария-гигиеник биноларни, йўловчиларни автотранспорт воситаларга чиқариш ва тушириш, шунингдек автотранспорт воситаларини қабул қилиш ва жўнатишга мўлжалланган перронларни, рейслар оралиғида автотранспорт воситалари тўхтаб туриши учун майдончаларни, автотранспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказиш ва тозалаш учун

постларни, шаҳар, шаҳар атрофи автотранспорт воситалари келиб тўхташи ва йўловчиларни туриши учун автовокзал олди майдони, ҳайдовчиларни рейс олди тиббий кўрикдан ўтказиш хонасини ўз ичига қамраб олувчи иншоотлар мажмуаси;

автостанция — автотранспорт воситаларини қабул қилиш ва жўнатиш, йўловчиларни автотранспорт воситаларига чиқариш ва тушириш, уларга хизмат кўрсатиш ва хизмат кўрсатувчи ходимларни жойлаштириш, одатда, шаҳарлараро ва шаҳар атрофи йўналишларида қатновчи йўловчиларга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган, санитария-гигиена иншоотлари, рейслар оралиғида автотранспорт воситалари тўхтаб туриши учун мўлжалланган хоналар билан жиҳозланган иншоот;

назоратдан ўтказиш ваколатига эга бўлган шахслар — ички ишлар органларининг ходимлари ҳамда автовокзаллар ва автостанциялар маъмурияти томонидан тайинланган назоратчилар.

2. Автовокзаллар ва автостанциялар ҳудудига йўловчилар ва бошқа шахсларни киритиш назоратдан ўтказиш орқали амалга оширилади.

3. Йўловчилар ва бошқа шахсларга мазкур Йўриқноманинг иловасида назарда тутилган хавфли моддалар ва буюмларни автовокзаллар ва автостанциялар ҳудудига олиб кириш ва уларни автотранспорт воситаларида ташиш тақиқланади.

II боб. Автовокзаллар ва автостанцияларда йўловчилар ва бошқа шахсларга маълумотларни етказиш

4. Автовокзаллар ва автостанциялар маъмурияти автотранспорт воситаларида ташиш тақиқланган хавфли моддалар ва буюмлар, назорат қилинадиган ҳудудда юриш-туриш қоидалари, назоратдан ўтказиш ваколатига эга бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисидаги маълумотларни йўловчилар ва бошқа шахсларга тезкорлик билан хабардор қилиш борасидаги ишларни ташкил этади.

5. Йўловчилар ва бошқа шахсларни мазкур Йўриқноманинг 4-бандида кўрсатилган маълумотлар билан хабардор қилиш борасидаги ишлар:

автовокзаллар ва автостанцияларнинг олди майдонида ўрнатилган кўргазмали маълумотлар, плакатлар, ёритқичли таблолар орқали;

маълумотлар бюросида берилган саволларга жавоб бериш орқали; радиоузатиш тармоғи орқали амалга оширилади.

III боб. Йўловчилар ва бошқа шахсларни назоратдан ўтказиш

6. Йўловчилар ва бошқа шахсларнинг қўл юкини, багажини ва ўзини назоратдан ўтказиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

автовокзаллар ва автостанциялар ҳудудига кирувчи йўловчилар ва бошқа шахслар назоратдан ўтказиш пункти орқали ўтадилар, бу ерда уларга

мавжуд металл буюмлари, автотранспорт воситаларида қўл юки ва багаж шаклида ташиш тақиқланган хавфли моддалар ва буюмлар, шунингдек ташиш учун берилган ўзга шахсларнинг ашёлари (жўнатмалар, бандероллар, тугунлар, пакетлар ва шу кабилар) тўғрисида маълумот бериш таклиф этилади;

назоратдан ўтказилаётган шахсга кийимдаги мавжуд металл буюмларни (портсигар, калитлар, фолгали пачкалардаги сигаретлар, тангалар ва шу кабиларни) назарда тутилган идишга қўйиш ва одамларнинг тўпланиб қолишига йўл қўймай навбати билан турғун металл детектор рамкаси орқали ўтиш таклиф этилади, металл буюмлар мавжудлиги тўғрисида сигнал тушган тақдирда қўлда ишлатиладиган металл детектор қўлланилади, у бўлмаганда эса — белгиланган тартибда шахсий кўздан кечирилади;

ногабарит буюмлар, йўловчилар ва бошқа шахсларнинг қўлидаги устки кийимлар ва ичида нималар борлигини металл детектор билан аниқлаб бўлмайдиган қўл юки ва багажи қўлда кўздан кечирилади;

кидирувдаги шахсларни аниқлаш ва ушлаш мақсадида кўздан кечириладиганларнинг паспортга оид маълумотлари танлаб текширилади, шунингдек шубҳали шахслар шахсан кўздан кечирилади;

техник сабабларга кўра турғун металл детектордан фойдаланиш мумкин бўлмаган ҳолатда шахсларни, шунингдек уларнинг қўл юки ва багажини кўздан кечириш шахсан кўздан кечириб чиқиш йўли билан қўлда ишлатиладиган металл детектор ёрдамида амалга оширилади.

Зарурат бўлганда назоратдан ўтказиш хизмат итларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

7. Юрак фаолиятини рағбатлантирувчи имплантирланган аппаратларга эга бўлган йўловчилар ва бошқа шахслар махсус техник воситалар қўлланилмасдан қўлда ёки шахсан кўздан кечирилади.

8. Йўловчилар ва бошқа шахсларнинг ёнидаги қўл юки ва багажини назоратдан ўтказиш улар иштирокида амалга оширилади.

9. Назоратдан ўтказишдан бош тортган йўловчилар ва бошқа шахслар автовокзаллар ва автостанциялар ҳудудига киритилмайди.

10. Автотранспорт воситаларида уй ҳайвонлари, паррандалар бошқа вакиллари ташийдиган йўловчилар тегишли ветеринария маълумотномаларига, шунингдек улар ташиладиган қафаслар ёки бошқа мосламаларга эга бўлишлари керак.

IV боб. Шахсий кўздан кечириш

11. Шахсларни танлаб шахсий кўздан кечириш бунинг учун махсус жиҳозланган хоналарда:

тайёрланаётган ноқонуний аралашини ҳаракати тўғрисида хабар келган; кўздан кечириладиган шахсда йўловчилар ва бошқа шахсларга автотранспорт воситаларида қўл юки ва багаж шаклида ташиш тақиқланган хавфли моддалар ва буюмлар мавжудлиги тўғрисида хабар олинган;

кўздан кечирилаётган шахснинг юк хатида йўловчилар ва бошқа шахсларга автотранспорт воситаларида қўл юки ва багаж шаклида ташиш тақиқланган хавфли моддалар ва буюмлар аниқланган;

назоратдан ўтказиш ваколатига эга бўлган шахслар томонидан шахсан кузатиш йўли билан кўздан кечирилаётган шахснинг шубҳали ўзини тутиши ва хатти-ҳаракатлари белгилари, балким унинг жиноий ниятларидан далолат берувчи ёки унда йўловчилар ва бошқа шахсларга автотранспорт воситаларида қўл юки ва багаж шаклида ташиш тақиқланган хавфли моддалар ва буюмлар бўлиши мумкинлиги тўғрисида шубҳа туғдирувчи белгилар аниқланган ҳолларда амалга оширилади.

12. Шахсларни шахсий кўздан кечириш Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, 3-сон) 289-моддасига мувофиқ ва йўловчилар ва бошқа шахсларга автотранспорт воситаларида қўл юки ва багаж шаклида ташиш тақиқланган хавфли моддалар ва буюмларни аниқлаш учун зарур бўлган доирада амалга оширилади.

V боб. Назоратдан ўтказиш ваколатига эга бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

13. Назоратдан ўтказиш ваколатига эга бўлган шахслар:

назорат қилинадиган ҳудудга кирган йўловчилар ва бошқа шахслардан ушбу Йўриқнома талабларини сўзсиз бажаришни талаб қилиш;

назорат ҳудудига кирган йўловчилар ва бошқа шахсларда назоратдан ўтказиш жараёнида аниқланган йўловчиларнинг автотранспорт воситаларида ташиш тақиқланган қўл юки ва багаж шаклидаги хавфли моддалар ва буюмларни ички ишлар органлари ходимлари томонидан олиб қўйиш баённомаси тузилган ҳолда (нусхаси йўловчини қўлига берилади) белгиланган тартибда олиб қўйиш;

зарурият бўлганда, ноқонуний аралашиш ҳаракатини ёки бошқа жиноий ҳаракатларни содир этиш ниятидаги шахслар учун характерли бўлган бир қанча ўзини тутиш белгилари бўйича потенциал хавфли шахсларни аниқлаш мақсадида назоратдан ўтказилаётганларни психологик сўров ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ахборот-излаш маълумотлар базалари бўйича шубҳали шахсларни текшириш;

айрим шахслар томонидан қурол-яроғ, патронлар ва ўқларни ташишнинг белгиланган тартибига риоя қилиниши устидан назорат қилиш;

зарурият бўлганда, назорат қилинадиган бутун ҳудудини кўздан кечириб чиқиш ҳуқуқига эга.

14. Назоратдан ўтказиш ваколатига эга бўлган шахслар:

ушбу Йўриқнома, автовокзаллар ва автостанцияларда йўловчилар хавфсизлигини таъминлашга, фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва ҳуқуқларини муҳофаза қилишга қаратилган қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилишга;

назоратдан ўтказилаётган йўловчилар ва бошқа шахсларга нисбатан хушёр, эътиборли ва илтифотли муносабатда бўлишга ҳамда уларнинг шаъни ва кадр-қимматини камситувчи ҳаракатларга йўл қўймасликка;

назоратдан ўтказилаётган йўловчилар ва бошқа шахсларга ўзларида бўлиши мумкин бўлган қўл юки ва багаж шаклида ташиш тақиқланган хавфли моддалар ва буюмларни ихтиёрий равишда кўрсатишни таклиф этишга;

назоратдан ўтказиш сабабли йўловчилар ва бошқа шахсларнинг асос-сиз равишда ушланиб қолишига йўл қўймасликка;

қоида бузилишига барҳам берилиши чораларини кўришга;

назоратдан ўтказишдан бош тортган йўловчилар ва бошқа шахсларни назорат қилинадиган ҳудудга киритмасликка;

йўловчиларга автотранспорт воситаларда қўл юки ва багаж шаклида ташиш тақиқланган хавфли моддалар ва буюмларни аниқлашнинг зарур қўникмаларига эга бўлишга;

табиий ва техноген тусдаги авариялар, ҳалокатлар, ёнғин ёки табиий офатлар юз берган тақдирда жабрланганларни қутқариш ва уларга биринчи ёрдам кўрсатиш, махсус қутқарувчи хизматларни чақириш чораларини кўришга;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённомалар тузишга мажбурдирлар.

VI боб. Яқуний қоида

15. Ушбу Йўриқнома талабларини бузганликда айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Автовокзал ва автостанцияларга
йўловчи ва бошқа шахсларни киритиш
тартиби тўғрисидаги йўриқномага
ИЛОВА

Автовокзаллар ва автостанциялар ҳудудига олиб кириш ва уларни автотранспорт воситаларида ташиш тақиқланган хавфли моддалар ва буюмлар РЎЙХАТИ

1. Тегишли рухсат берилган ҳужжат бўлмаган барча турдаги ўқ отар ва тигли қуроллар:

тўппончалар, револьверлар, сойли милтиқлар, карабинлар, бошқа ўқ отар қуроллар ва уларга ўқ-дорилар;

арбалетлар ва сув ости ови қуроли, қиличлар, ханжарлар, дудама қиличлар, эгри қиличлар, узун ва оғир қиличлар, тиглар, қиличсимон найзалар,

найзалар, ханжарлар, кортиклар, ханжарчалар, пичоқлар: харбий, десант, фин пичоқлари, пискалар отилиб чиқадиган, қулфланадиган дудама қиличлар.

2. Тегишли рухсат берилган ҳужжат бўлмаган барча турдаги портловчи моддалар ва улар билан тўлдирилган буюмлар, портлатиш воситалари:

хар қандай ўрамдаги барча ов порохлари;

ов капсулалари (пистонлари) ва капсула-детонаторлар;

пиротехника воситалари: сигналли ва ёритувчи ракеталар, посадкали шашкалар, тутун чиқарувчи патронлар;

динамит, тол, аммонал, тротил ва бошқа портловчи моддалар.

3. Сиқилган ва суюлтирилган газлар.

4. Тез ёнувчан қаттиқ моддалар:

сув таъсирида иссиқлик ва иссиқ газ чиқарадиган, натижада ўзидан ўзи ёнадиган ва ёнғин келтириб чиқариши мумкин бўлган моддалар: калий, натрий, металл кальций ва уларнинг қотишмалари, кальций, фосфорит ва бошқалар;

ок, сариқ ва қизил фосфор ҳамда тез ёнувчан қаттиқ моддалар тоифасига тегишли бўлган бошқа барча моддалар;

органик пероксидлар;

донадор ёки парча-парча, қуруқ ёки нам, таркибида камида 25 фоиз сув ёки эритувчи суюқлик бўлган коллоид нитроцеллюлоза;

қуруқ ва нам, таркибида камида 30 фоиз сув ёки эритувчи суюқлик бўлган нитроцеллюлоза.

5. Тегишли рухсатнома берилган ҳужжат бўлмаган барча турдаги заҳарли ва заҳарловчи моддалар:

хар қандай идишга жойлаштирилган суюқ ва қаттиқ ҳолатдаги хар қандай заҳарли, кучли таъсир қиладиган ва заҳарловчи моддалар;

бруцин;

никотин;

стрихнин

тетрагидрофурфурил спирти;

этиленгликоль;

симоб;

цианид кислотанинг барча тузлари ва цианид препаратлар;

циклон, цианплав, маргимуш ангидрид ва бошқа кучли таъсир қиладиган, заҳарли, заҳарловчи моддалар.

6. Герметик идишларсиз ва ўрамларсиз ташиладиган ўювчи, бадбўй ва емирувчи моддалар:

кучли ва ноорганик кислоталар: хлорид, сульфат, азот кислоталар ва бошқа кислоталар;

фторли-водород (шишани ўйиш қобилиятига эга бўлган) кислотаси ва бошқа кучли кислоталар ва емирувчи моддалар.